

# ШАРТНОМА № 1 П

15.01.2022 йилдаги №17061 сонли лотга асосан

(Автомобиль йўлини қуриш тўғрисида)

Фарғона шаҳри

«17» Январь 2022 йил

«Фарғона туман йўллардан фойдаланиш» унитар корхонаси номидан Устав асосида иш юритувчи директор А.Зиқрияев (кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) бир томондан ва «Элегант давр дизайн» МСҲ масъулияти чекланган жамияти номидан жамият Устави асосида иш юритувчи раҳбар Х.Махмудов (кейинги ўринларда «БАЖАРУВЧИ» деб юритилади) иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПП-4565-сонли қарорига ва корхона харид комиссиясининг баёнига асосан қуйидаги шартномани туздилар;

## 1. Шартнома мазмуни

1.1. «БУЮРТМАЧИ», «БАЖАРУВЧИ» га муассасага қарашли **Фарғона тумани Водил чегара худудидан ўтувчи 1.3 км узунликдаги янги автомобил йўлини қуриш объектида** йўл қурилиш ишларини бажарилишида зарурий транспорт воситаларига буюртма беради, «БАЖАРУВЧИ» эса буюртмага биноан транспорт воситалари билан таъминлайди.

## 2. Томонлар мажбуриятлари

- 2.1 Томонлар шартномани амал қилиш даврида қуйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.
- а) «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмасига асосан техник жихатдан соз автотransпорт воситаси билан таъминлайди;
  - б) «БАЖАРУВЧИ» ишларни бажариш даврида техника ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига тўла жавоб беради;
  - г) «БАЖАРУВЧИ» бажарилган ишлар бўйича бирламчи ҳужжатларни дарҳол расмийлаштириб, «БУЮРТМАЧИ» га тақдим этади;
  - д) «БАЖАРУВЧИ» буюртмани ўз вақтида ва сифатли бажариб беришни қафолатлайди.
  - е) «БАЖАРУВЧИ» нинг автотransпортларга «БУЮРТМАЧИ» томонидан қуйилган ёқилги ва мойлаш маҳсулотлари суммаси «БАЖАРУВЧИ» қўндирадиган ҳисоб-варақ фактурада чегириб ҳисоб-китоб қилинади.
  - ё) «БАЖАРУВЧИ» нинг автотransпорт воситаларига «БУЮРТМАЧИ» томонидан эҳтиёт қисмлар етказиб берилса у ҳолда «БАЖАРУВЧИ» алоҳида ҳисоб-варақ фактура орқали ёздириб олади.

## 3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

- 3.1 Шартномага асосан қўзда тутилган хизматларнинг тахминий қиймати амалдаги нархларда **559 113 096 (Беш юз эллиқ тўққиз миллион бир юз ўн уч минг тўқсон олти) сўми** ташкил этади;
- 3.2. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг Буюрмачи «БАЖАРУВЧИ» ҳисоб рақамига олдиндан шартнома қийматининг 30 % миқдоридан пул ўтказиб беради.
- 3.3 Шартнома қиймати очик ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган норматив ҳужжатларга асосан ўзгариши мумкин;
- 3.4 Қўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб юқ ташувчи транспортларга тн/км ҳисобида ҳақ тўланади;
- 3.5 Қўрсатилган хизмат ҳақини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11-июндаги «Қурилишда амалдаги нархларни асосли аниқланишини таъминлаш тўғрисида»ги №261 сонли қарори, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 15-декабрдаги №75 буйруғи билан тасдиқланган «Қурилишда ташишлар таннархини ва машина механизмларини амалдаги нархларини аниқлаш методик қўлланмаси» бўйича аниқланган нархларга асосланади ва шунга қўра томонлар ўртасида (1-илова) келишув баённомаси тузилади ёки «БУЮРТМАЧИ» тақдим этган, тегишли органлардан экспертизадан ўтказилган нархнома (қалькуляция) лар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва бу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. (қўрсатилган хизматлар нархи «Инвестор» томонидан тасдиқланган лойиха смета-ҳужжатларидаги нархлардан ошиб кетган тақдирда, лойиха смета-ҳужжатларидаги нархлар асосида ҳисобланади).
- 3.6 «БАЖАРУВЧИ» ҳисобот ойнанинг 28 санасигача ҳисоб-фактура орқали қўрсатилган транспорт хизматини «БУЮРТМАЧИ»га тақдим қилади;
- 3.7. Томонлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ҳар чоракда солиштириш далолатномасига асосан текшириб борилади;

## 5. Томонларнинг жавобгарликлари ва низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Ишлар бажарилмаган ёки хизматлар қўрсатилмаган ҳолларда «БАЖАРУВЧИ», «БУЮРТМАЧИ» кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Бажарувчи томонидан икки кун ичида ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «БУЮРТМАЧИ» «БАЖАРУВЧИ» томонидан ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озода қолдиришга мажбур қилишга ҳисобланади.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномаси»-ни ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5.5. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида ҳал қилиб бўлмаган барча низолар туман суди томонидан ҳал қилинади.

### 6. Шартноманинг амал қилиниши

6.1 Шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилга қадар амалда бўлади;

6.2 Шартноманинг кучини йўқотиши ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятлар бўйича эътирозларни низога етказиб, ҳал қилиш учун таъсир қилмайди;

6.3 Шартномани ўзгартириш, қўшимча киритиш томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади

### 7. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озода қилинади.

7.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

### 8. Шартноманинг бекор қилиниши

- 8.1 Мазкур шартнома куйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:
- томонлар тўловларни амалга оширишга қодир бўлмай қолганда;
  - объект консервация қилинганда;
  - форс-мажор ҳолатлар вужудга келганда;

### 9. Бошқа шартлар.

9.1. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларда бир нусхадан сақланади.

### 10. Томонларнинг манзилгоҳлари ва банк реквизитлари.

#### «БУЮРТМАЧИ»

«Фарғона ТИУФК»

Манзил: Фарғона шаҳар, Мустақиллик  
№350-г уй  
Банк: ТИФ Миллийбанк Фарғона  
х/р: 20210 000 900 210 835 001  
МФО: 00493  
СТИР: 200197217



Директор \_\_\_\_\_ А.Зикрияев

М.Ў. \_\_\_\_\_  
Юрист \_\_\_\_\_ Ж.Вахобов

#### «БАЖАРУВЧИ»

«Элегант давр дизайн» МЧЖ

Фарғона тумани Водил ҚФЙ Чимён  
кўчаси 39 уй  
Х/Р: 20208000200300150001  
МФО: 00965 ИНН: 302897314



Хамкор банк Истикбол филиали

Директор: \_\_\_\_\_ Х.Махмудов  
М.Ў. \_\_\_\_\_